*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Шанба сони

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 91 (9837). ● 1990 йил 12 май ● Баҳоси 5 тийин.



● Анжуман қатнашчиларидан бир группаси. А. ЗУФАРОВ суратга олган.

## *Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг фармони*

## РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ШАХСИЙ ХЎЖАЛИГИДАГИ МОЛЛАР ВА ПАРРАНДАЛАРНИ ЕМ-ХАШАК БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЛАРДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда аҳоли шахсий хўжаликларининг муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олиб ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш учун уларни ем-хашак билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайман:

1. 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб колхоз ва совхозларнинг тайёрлаш планини бажаришда улар аҳолига сотадиган хашак ва ширали ем-хашак ҳисобга олинсин.

Ўзбекистон ССР давлат кооператив қишлоқ хўжалиги комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликларига 1990 йилда ҳар бир шартли бош мол ҳисобига 250 килограмм хашак ва 150 килограмм ширали ем-хашак, 1991 йилда 550 килограмм хашак ва 300 килограмм ширали ем-хашак сотишини таъминласинлар. Ҳар йилги планларда аҳолига ем-хашак сотиш ана шу нормаларга нисбатан кўпайтирилиши кўзда тутилсин.

2. 1990 йилда аҳолининг шахсий хўжаликларига сотиш учун давлат ресурсларидан ҳар бир шартли бош молга ўрта ҳисобда (ҳар бир сигирга) камида 150 килограмм омухта ем, 30 килограмм шулха, 50 килограмм кунжара ва шрот, 1991 йилда 160 килограмм омухта ем, 60 килограмм шулха ҳамда 50 килограмм кунжара ва шрот ажратилсин. Келгуси йилларда ана шу нормаларни кескин ошириш имконияти қидириб топилсин.

3. Ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Совети ҳузурида халқ депутатлари ва фаоллардан иборат комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг зиммасига давлат ресурсларидан бериладиган ем-хашакларни, шунингдек колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликлари учун ажратадиган хашак ва ширали ем-хашакни тақсимлаш вазифаси юклатилсин. Ем-хашак келишиб олинган нархларда сотилсин, айрим хўжалик, район ва умуман регионнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, шахсий хўжаликлар билан шартномалар тузиш рағбатлантирилсин.

4. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ҳамда район ва шаҳар ижроия комитетлари давлат ресурсларидан аҳолига ажратиладиган ем-хашак жамғармаларининг эгалари эканлиги белгилаб қўйилсин, улар посёлка, қишлоқ ва овул Советларига ана шу ем-хашакни сотиш учун тақсимлаб, айни вақтда талонлар билан таъминлайдилар: Посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг комиссиялари аҳоли шахсий хўжаликларига давлат ресурсларидан, Ўзбекбирлашув базалари ва савдо тармоқлари орқали кучли ем-хашак, шунингдек шахсий хўжаликларда рўйхатга олинган ҳар бош мол ҳисобидан колхоз ва совхозлар ажратадиган хашак ва ширали ем-хашак сотиб олиш учун талонлар беради.

5. Ўзбекистон ССР давлат кооператив қишлоқ хўжалиги комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари аҳолининг шахсий хўжаликларига бошқа регионлардан келтирилаётган наслдор қорамоллар, шунингдек, республика колхоз ва совхозларида етиштирилаётган наслдор ва насли яхшиланган моллар ҳисобидан бузоқ ва паррандалар сотишни кўпайтирсинлар.

1990 йил мобайнида ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Советида гражданларнинг шахсий хўжаликларидаги молларга зооветеринария хизмати кўрсатадиган хўжалик ҳисобидаги пунктлар ташкил этилсин.

6. Ўзбекистон агросаноат банки аҳоли мол ва парранда сотиб олишида унга ёрдам бериш учун колхоз ва совхозларнинг талабномаларига мувофиқ кредитлар ажратсин.

7. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

Ушбу фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин, унда колхоз ва совхозларни ем-хашакни кўпайтиришга рағбатлантириш ва ем-хашак билан аҳоли хўжаликларини устун даражада таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтирганлик учун ем-хашак билан натура тарзида ҳақ тўлашни кенг жорий этиш юзасидан тадбирлар туркуми кўзда тутилсин;

ушбу фармон бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилсин ва ярим йилда бир марта системали равишда унинг рўёбга чиқарилиши тўғрисида маълумот берилсин, текшириш материаллари матбуотда ёритилсин ва телевидение орқали эшиттирилсин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

## XXVII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кеча Тошкент вилоят партия комитетининг катта мажлислар залида XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси иш бошлади.

Конференцияда Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар комитетининг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини амалга оширилиши, шаҳар партия ташкилотида қайта қуришнинг бориши ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков конференцияни кириш сўзи билан очди.

Делегатлар илгаридан танишиш имкониятига эга бўлган шаҳар партия комитетининг ҳисоботини муҳокама қилдилар.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, А. С. Ефимов, А. И. Икромов, С. Мамарасулов, Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовлар қатнашдилар.

Бугун конференция ўз ишини давом эттиради.

## ҒАЛАБА МУБОРАК, БРИГАДА!

Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг Юсуп Боғиев бошлиқ бригадаси бурғиловчилари қўшалоқ байрамни нишонладилар. Иш якунларига кўра, ўтган йили бу коллектив Бутуниттифоқ социалистик мусобақа ғолиби деб топилган эди. Май ойи бошларида эса бригада беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарди. Бригада бошлиғига эса «СССР геология министрлигининг энг яхши устаси» номи берилди.

Мазкур коллектив кейинги йиллар мобайнида мусобақадаги совринли ўринларни мустаҳкам эгаллаб келмоқда. Ишчилар фақат ўтган йилнинг ўзида 9,5 минг метрдан зиёд қудуқ қазидилар. Бу — план кўрсаткичларидан деярли икки баравар кўпдир. Бригадага энг мураккаб участкаларда ишлаш топширилади. Бу ерда юксак профессионал маҳорат, ҳар бир ишчи бир-бирининг ўрнини босаолиши, техникадан оқилона фойдаланиш ҳисобига жадал суръатларга эришилмоқда. Бурғиловчилар ўзларининг ўтган йилги рекордларини ҳам ортда қолдириб, ўн минг метр қудуқ қазиш кўрсаткичига эришишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Ангрен.

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда шу йил 2 май куни Андижон шаҳрида рўй берган оммавий тартибсизликлар ҳамда шаҳарда ва областда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга оид шошилинч тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов дастлабки ахборот берди.

Андижон шаҳридаги оммавий тартибсизликлар, деди у, энг аввало область ва шаҳар партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг бегамлиги ва хотиржамлиги, улар аллақачон етилган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш юзасидан ўз вақтида тадбирлар кўрмаганлиги натижасида рўй берди. Улардан кўпчилигининг калтабинлиги, фавқулодда вазиятларни олдиндан кўра билмаслиги ва огоҳлантирмаслиги, саросимага тушиб, чорасиз бўлиб қолиши воқеаларнинг кенг ривожланишига кўмаклашди.

Шаҳарда ва умуман Андижон областида ёшлар дам олишини ташкил этишнинг масъулиятли соҳалари билимсиз, сиёсий жиҳатдан масъулиятсиз кишиларга ишониб топширилганлиги, ўтган йилги Фарғона воқеаларидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нормал ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш ва қўллаб-қувватлашга доир йўл-йўриқларидан зарур сиёсий хулосалар чиқарилмаганлиги хавотирлик уйғотади. Савдода ва маиший хизмат соҳасида ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчиликка, чайқовчиликка, порахўрликка ва бошқа хил қонун бузишларга қарши кураш зарур даражада ҳужумкорлик ва қатъият билан олиб борилмаётганлиги меҳнаткашларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси М. И. Иброҳимовнинг ахборотини маълумот учун қабул қилди. Айни пайтда рўй берган тартибсизликлар иғвогарона тусда бўлиб, шаҳар ва областнинг ҳозирги ва собиқ раҳбарлари йўл қўйган жиддий нуқсонларнинг натижаси бўлганлиги таъкидланди. Уларнинг кўпчилиги четдан кузатувчилар мавқеини эгаллаб келдилар ва эгаллаб турибдилар, одамларнинг ишлари ва биринчи галдаги ташвишларига ҳамдард эмаслар.

Андижон шаҳридаги воқеаларни, уларнинг сабабларини оммавий ахборот воситалари етарли даражада ёритмаганлиги айтиб ўтилди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон шаҳридаги тартибсизликларнинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиш учун ташкил этилган комиссиясига маҳаллий партия, совет, хўжалик идоралари ва жамоатчилик билан биргаликда областдаги вазиятни барқарорлаштиришни, тартиб ва интизомни йўлга қўйиш, шаҳарда ва областда соғлом маънавий-ахлоқий ва психологик вазиятни вужудга келтириш юзасидан барча зарур чораларни кўриш вазифаси топширилди. Энг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга доир бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди, республиканинг партия, совет органларига, министрликлари ва идораларига тегишли топшириқлар ва тавсиялар берилди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида шаҳар, район ҳисобот-сайлов партия конференцияларининг якунлари ва область конференцияларига тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди. Ўз ишини тамомлаган конференциялар умуман ошкора фикрлашув, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги ишларнинг аҳволини танқидий таҳлил этиш, коммунистларнинг партия тақдири ва обрў-эътибори тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳида ўтганлиги таъкидланди. Бу эса сайлаб қўйиладиган органларни шакллантиришда демократик ёндашувларни ривожлантиришга кўмаклашди. Шаҳар ва район партия комитетларининг 43 нафар секретари, жумладан, 10 нафар биринчи секретари муқобиллик асосида сайланди, салкам 50 фоизи бевосита делегатлар томонидан сайланди. Янгиланган партия комитетлари таркибига 30,7 фоиз ишчи ва оддий колхозчи, салкам 27 фоиз хотин-қиз сайланди. Юқори партия органларига 3142 номзод, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съезди делегатлари таркибига 2040 номзод тавсия этилди.

Шу билан бирга, конференцияларнинг анча қисми эскича усулда ўтди ва коммунистлар кутган натижа бермади. Ортиқча дабдабабозлик, ақидапарастлик ва ношуд позиция, КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини, шаҳар ва районларда рўй бераётган қайта қуриш жараёнларини юзаки, бир ёқлама таҳлил этиш, қарамлик ва хотиржамлик кайфияти уларнинг катта камчиликлари бўлди. Жойлардаги сиёсий вазиятнинг ўткирлиги, партиянинг янгилаш ва унинг жамиятдаги янги мавқеини англаш муаммолари ҳамиша ҳам ўзининг муносиб аксини топмади. Раҳбар идораларни, айниқса партия комитетларининг секретарларни, бюро аъзоларини сайлашда кўпинча маҳаллийчилик, гуруҳчилик кайфиятлари намоён бўлди, бошқача, янгичасига фикрловчи кишилар ҳамиша изланди, деб бўлмайди.

Ана шу ва бошқа салбий кайфиятлар, деб таъкидланди. Бюрода, область партия конференцияларига тайёргарликнинг якунловчи босқичида етарли даражада ҳисобга олинмаяпти. Докладлар лойиҳаларида сиёсий таҳлил ва хулосалар йўқ, миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиш жараёнлари миллатлараро муносабатларнинг аҳволи, норасмий ва диний ташкилотлар билан иш олиб бориш усуллари зарур даражада очиб берилмаяпти, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги танг аҳволдан чиқишнинг аниқ-равшан йўллари таклиф этилмаяпти.

Марказий Комитет Бюроси область партия комитетларига область партия конференцияларини ўтказишга оид ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш вазифасини топширди. Шаҳар ва район партия конференциялари сабоқларини ҳисобга олиб, докладларнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий жиҳатларига эътиборни қаратиш, сайлаб қўйиладиган идоралар аъзоларини ва делегатларни материалларни тайёрлашда энг кўп даражада ишга солиш, КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларида баён этилган энг муҳим масалалар юзасидан аниқ-пухта мавқени эгаллаш таклиф этилди.

Марказий Комитет Бюросида Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг асосий ҳужжатлари қандай тайёрланаётганлиги ва партия турмушининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

*Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан*

# ИНСОНЛАРГА БАХШИДА УМР

## ДЕЛЕГАТЛИККА НОМЗОДЛАР



Зуҳра опа бугун ҳам ишдан кеч қайтди. Бунинг боиси бор албатта. Киши шогирдсиз бўлса ёлғиз ўзи учунгина жавоб беради. Лекин ёши бир жойга бориб мураббий бўлганингдан кейин шогирдларингнинг меҳнат кўрсаткичлари учун ҳам қандайдир масъулият сезаркан киши ўзида. Тўғри, шогирдлари ўз йўлларини топиб кетишган. Лекин ҳамон орқа қилишади. Баъзи пайтларда маслаҳат ҳам сўраб туришади. У эса шу пайтгача ёрдамини ҳеч кимдан аямаган. Катта қизи Лобар қанчалик меҳнатсевар ва тиришқоқ бўлмасин, унга ҳам касбининг нозик сирларини ўргатиш керак. Шу ўринда кўпинча опанинг ёдига шоир Хисрав Деҳлавийнинг: «Агар сен касбни пухта билмасанг, фойдаси йўқ қанча тиришсанг», — деган сатрлари тушади.

Шуларни ўйлаб кетаркан, Зуҳра опа ўзининг дастлабки шогирдлик пайтларини эслади. У 1960 йили тўлиқсиз ўрта мактабни тугаллаб, Калинин номли колхоз фермасига ишга келди. Қишлоқда яшаб, меҳнатга кўникма ҳосил қилган қиз қийналмай ишлаб кетди. Ўша пайтдаги хўжаликнинг машҳур сигир соғувчиси Шакар опа Примова унга устозлик қилди. Кўпни кўрган бу аёл қиздаги меҳнатга бўлган муҳаббат ҳиссини сезди.

Устозда гап кўп экан. Чунки у шогирдига йўл-йўриқ бериши, қийин пайтларда эса қўллаб-қувватлаши лозим. Шу боисдан ҳам Зуҳра опа ўзининг дастлабки устозидан бир умрга миннатдор. Дастлаб у мустақил ишга ўтганидан сўнг 20 бош соғин сигир парваришлай бошлади. Ўша пайтларни у ҳаяжон билан эслайди. Ҳамма иш қўлда бажариларди. Сув обкашларда ташилиб, ем-хашак қопларда орқалаб молхонага олиб келинарди. Суғориш учун эса моллар ферма юқорисидан ўтган Қорақамиш каналига ҳайдаб бориларди. Лекин у шундай машаққатли пайтларда ҳам зорланмади. Меҳнат билан овунарди. Ўша пайтларда ҳам ҳар бош соғин сигирдан 13—14 литрга етказиб сут соғиб олди. 1963 йили эса хўжалик партия ташкилоти уни меҳнатдаги ютуқларини ҳисобга олиб КПСС сафига қабул қилди.

Ҳали-ҳали ёдида. Ундан ўша пайтдаги хўжалик партия ташкилотининг секретари Иброҳим Оқмирзаев: «Нима учун КПСС сафига ўтаяпсан?» — деб сўраганида у тутила-тутила қуйидагиларни айтганди:

— Кишилар учун биз қанчалик яхши ишласак, шунча яхши. Чунки сут, гўшт кўп бўлади. Демак, турмушимиз фаровон бўлади. Агар мени партия сафига қабул қилсангиз мен коммунистман-ку дея яна ҳам яхшироқ ишлашга ҳаракат қиламан.

Ёдида. Ўша пайтда хўжаликдаги машҳур бригадир Умри опа Аҳмедова унинг бу берган жавобидан қаноатланиш ҳосил қилгандек, елкасига қоқиб қўйганди.

1968 йили эса Тошкент шаҳрининг маркази — Чиғатой даҳасига келин бўлиб тушди. Дастлаб қишлоқ жойга ўрганган қизнинг шаҳар ҳаётига кўникиши қийинроқ бўлди. Охири турмуш ўртоғи Зойиржонга ўз фикрини айтди:

— Мени тўғри тушунинг, фермага ва коллективга жуда ўрганиб қолган эканман. Илгариги ишимни жуда қўмсаяпман.

Зойиржон бироз ўйланиб қолди. Тўғри, турмуш ўртоғини шаҳардаги фабрикалардан биригами ёки бўлмаса бирор дурустроқ ишга жойлаб қўйиш мумкин. Лекин кишини ўрганган касбидан айириш ҳам тўғри бўлмаса керак. Шу мулоҳазадан сўнг у Зуҳрани юпатгандек бўлиб:

— Майли, фермага бориб ишлашни ҳоҳласанг қаршилигим йўқ. Бунинг устига бирга ишлаймиз. Ўша ерда менбоп бирор иш топилиб қолар.

Колхозга кўчиб келишгач, Зойиржон ҳам фермада механиклик қила бошлади. Йиллар ҳам ўтиб кетди. Мана ҳозир уларнинг тўрт нафар қизлари бор. 1987 йили уни ферманинг туғуруқхона бўлимига ўтказишди. Бу ер энг масъулиятли жой ҳисобланади. Чунки янги туғилган бузоқлар ўн кун давомида айнан шу ерда боқилади. Икки йил илгари Зуҳра опанинг таклифи билан бузоқлар янги усул — яъни совуқда боқила бошланди. Бунга ўтишдан мақсад илгарилари бузоқхоналар печка ёқиб иситиларди. Натижада ҳавоси бузилиб касал тез тарқаларди. Эндиликда бузоқхоналар қишнинг совуқ кунларида ҳам иситилмайди. Маълум бўлишича бузоқлар совуққа анча чидамли бўлиб, тез кўникишар ва бундай шароитда касалликка кам чалинар экан. Бу усул ўзини оқлади.

Биз қишлоқ Советининг депутати Зуҳра опа Нажмиддинова билан иш устида учрашдик. Мен дастлаб улар ҳақидаги фикрни билиш мақсадида ферма мудири Камол ака Нишонбоевга мурожаат қилдим.

— Қани энди Зуҳрахон каби соғувчилар кўпроқ бўлса, — дейди Камол ака, — унда сигирлар билан «тиллаша олиш» хусусияти бор. Ҳозир биз Зуҳранинг шу хусусиятини ҳисобга олиб энг масъулиятли жойга ўтказганмиз. Маълумки, у ерда янги туққан сигирлар ўн кун давомида қўлда соғилиб, кейин бошқа соғувчиларга бириктирилади. Бундан ташқари Зуҳра Нажмиддинова бошланғич партия ташкилоти фаолиятида ҳам фаол иштирок этмоқда. Хуллас, ёшларнинг ундан ўрнак олса арзийдиган жиҳатлари кўп.

Зуҳра опа ишдан бўшагач биз соғувчилар хонасида қисқача суҳбатлашдик.

— Фермамизда 320 бош соғин сигир бўлиб, кунига 3 тоннадан зиёд сут соғиб олинмоқда. Ҳозирги пайтда соғувчиларимиз шароитлари анча яхши. Лекин айрим муаммолар ҳам бор. Бизга автодўконлар келиб савдо хизмати кўрсатиши керак. Аммо кўнгилдагидек маҳсулотлар олиб келишмаяпти. Яна бир муаммо, бу ҳам бўлса фермамиз атрофига катта иморатлар қурилиб жуда сиқилиб қолдик. Озуқа экинлари учун майдон кам. Шунинг учун ҳам озуқани асосан бошқа хўжаликлардан олиб келмоқдамиз. Қани энди фермадаги молларга яйлов бўлса. 1983 йили бир гуруҳ чорвачилик ходимлари билан Чехословакияга сафар қилгандим. У ердаги чорвачилик комплекси менда жуда катта таассурот қолдирди. Бинолари замонавий, чорвадорларнинг турмуш шароитлари ҳам ҳавас қилса арзигудек. Шуниси қизиқки, у ерда кунига 12—14 литрдан сут берадиган сигирларни ушлаб туришмас экан. Чунки кам фойда беради-да. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, уларда ем-хашак масаласини ҳал қилиб, кейин чорва моллари боқилар, план ҳам шунга қараб белгиланар экан. Бизда эса соғувчиларнинг иш шароитларини яна ҳам яхшилаш керак. Чунки соғувчилар қишин-ёзин ва байрам кунларида ҳам меҳнат қилишади.

Фермада айни пайтда Зуҳра опанинг қизи Лобар ҳам сигир соғмоқда. Доно эса ҳали ўқувчи. Лекин шундай бўлса ҳам ўқишдан бўш пайтларида ойиси ва опасига қарашиб туради.

Зуҳра опани ҳамқишлоқлари яхши таниб, ҳурмат қилишади. Яқинда бўлиб ўтган Калинин ноҳия XXXIV партия ҳисобот-сайлов конференциясида эса уни Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатликка номзод қилиб кўрсатишди. Бу катта ишонч, албатта. Агар у делегатликка сайланиб қолса: «Ўртоқлар, биз агросаноатчилар ҳозирги иқтисодиётимиз учун энг қийин пайтларда оғизга эрк бермай, кўпроқ самаралироқ ишлашимиз ва халқимиз дастурхонини тўкин қилишимиз керак. Чунки халқимиз турмушини фаровон қилиш бизнинг эзгу мақсадимиздир», дея делегатлар олдида сўзлашни ўзига мақсад қилиб қўйган.

**Н. РАФИҚОВ.**

## ОДОБНОМА

# УСТОЗ ҲАЁТИ-ИБРАТЛИ МАКТАБ

Одамийликнинг энг яхши ва юксак фазилатлари — поклик, самимийлик, вазминлик, меҳнатсеварлик, халққа ва жамиятга садоқат, айни вақтда кенг ва бой ҳаётий тажриба устозларимизда жамулжамдир. Улар ижтимоий ва шахсий ҳаётда учраб турадиган барча мураккаб ва зиддиятли муаммоларнинг ҳаммасидан обдон, ҳар томонлама чуқур мулоҳаза қилиб, сўнгра ақл тарозусида тортиб энг тўғри ва мақбул хулосалар чиқарадилар. Бинобарин, «Қари билганини пари билмайди» дейилган мақол ҳам бежиз айтилмаган.

Ўзидан нур таратиш, бошқаларга йўлчи юлдуз бўлиш устозларга хос ажойиб инсоний хислатдир. Бир дақиқа мулоҳаза қилиб кўрайлик: меҳрибон волидамиз бизга ҳаёт озиғи — оқ сут беради, падаримиз таълим-тарбияни сингдиради. Ўқитувчимиз — устозимиз эса онг, билим ва ақл-заковатни шакллантириб камолотга етказади. Уларга бўлган ҳурмат эҳтиромимиз шундан.

Шу боис умумбашариятнинг буюк алломалари Абул Қосим Фирдавсий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, ҳатто Искандари — Юноний, Амир Темур сингари жаҳонгирлар ҳам устозларни бежиз улуғламаганлар.

Нақл қилишларича: қадим замонда кунлардан бир кун, кўпгина мамлакатларни истило қилган, тадбиркор давлат арбоби, йирик ва таниқли саркарда македониялик Искандардан (Искандар Зулқарнайндан) унинг қароргоҳидаги аъёнлар сўрашибди: «Э, подшоҳи олам, бизлар кўп вақтлардан буён жуда таажжубдамиз. Зеро, не боисдан падар бузрукворингиз Файлақус ҳакимни қароргоҳнинг сўл томонидаги жойга ўтказиб, Арастуга бўлса ўзингизга яқинроқ ўнг томонингиздан жой бергансиз? Бу гапни эшитиб Искандар кулди ва жавоб қилди: «Э азизлар, билингларки, отам мени яратилишимгагина сабаб бўлди. Арасту эса менга устозлик қилди ва камолот сари етаклади, подшо, донишманд саркарда сифатида шуҳрат қозонишимга кўмаклашди.

Жаҳонгир Амир Темур ҳам устозларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромини дариғ тутмаган. Улуғ саркарда сафардан қайтишда кўпинча устозлари дафн қилинган қабристон яқинига келгач отдан тушар ва отини етаклаб қабристон ёнида пиёда ўтар экан. Нақл қилинишича Темур: «умрим тугаб вафот этсам, мени ана шу устозларимнинг пойига дафн қилинглар», деб васият ҳам қилган экан.

Ҳазрати Алишер Навоий: **«Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айлабон бўлмас анинг ҳақ кин адо минг ганж ила»,** дея устозни улуғлайдилар. Унинг қарзини узиш, мушкул дейдилар.

Устозни миришкор, истеъдодли, саҳий боғбонга таққослаш жоиздир. Боғбон сингари устознинг ҳам бутун бахти ўзи ардоқлаб тарбиялаган фарзандларининг ва албатта камолотга етказган шогирдларининг ҳосилга кирганлигини кўришдадир. Шу ўринда мен устозларим ва маслакдош дўстларим — етук мураббий, партия ва меҳнат ветерани Карим Бердиевич Бердиев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳасан Ғофурович Расуловларнинг номларини катта ҳурмат ва фахр билан тилга олиб, уларга самимий миннатдорчилик билдиришни истар эдим.

Ўзларининг табаррук 80 ёшларини нишонлаш арафасида турган К. Бердиев, Ҳ. Расулев ва уларнинг маслакдошларида таҳсил кўриб камолотга етган мингларча мутахассис ходимлар жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида ғоят катта маҳорат билан хизмат қилиб келмоқдалар. Улар орасида ўнлаб истеъдодли олимлар, етук партия ва совет ходимлари бор.

Ўзбек халқининг асл фарзанди буюк мутафаккир ҳазрати Алишер Навоий образли қилиб айтганидек, «Энг кўп кишига бахт берувчи киши энг бахтли кишидир». Бу баҳо барча истеъдодли устозларга, шу жумладан, етук мураббий маслакдош дўстларимизга ҳам батамом тааллуқлидир.

Хуллас, устозларимизнинг, ҳаёти, яшаш тарзи, қилган ишлари, босиб ўтган йўллари кўпчилик учун намуна ва ибрат мактаби бўлиб хизмат этади.

**Зайниддин ИСАМУХАМЕДОВ,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер.**

*● Мактуб йўлга чорлади*

# Халқободнинг «катта»лари қаерда?

ВИЛОЯТИМИЗ аҳолиси кўпчилик қисмининг туриш-турмуши мақтанарли даражада эмаслиги ҳаммага маълум. Лекин, очиғи яқингинада Янгийўл ноҳиясида кўриб келганимдагидек аҳвол мавжуддир, деб ҳеч ўйламагандим. Бу гапларни муболаға учун айтаётганим йўқ. Ҳақиқатан ҳам редакцияга келган хатда Халқободдаги ётоқ уйидаги камчиликлар бирма-бир санаб ўтилган бўлсада, кўз ўнгимга бу қадар хароб бино келмаганди. У 9-кўчма механизациялашган колоннага қарашли бўлганлиги учун тўғри ташкилотнинг идорасига бордим.

— Бу ётоқхонанинг қурилганига 20 йиллар бўлди чамаси, — деди колонна бошлиғи вазифасини ўтовчи Ғиёс Насриддинов. — Лекин ҳали капитал ремонт қилинган эмас...

9-колоннанинг бугунги аҳволига эса ҳавас қилиб бўлмайди. У ташкил этилгандаёқ ўтмишдоши бўлган икки ташкилотнинг чала ётган объектлари-ю, 3 миллиондан ортиқ қарзини ҳам бўйнига олган. Икки йилдирки, оғир иқтисодий аҳволда қолган бу ташкилотда ҳар беш-олти ойда бошлиқ ўзгаради. Ниҳоят ўтган йилнинг октябрь ойида унинг аҳволини ўнглаш учун вақтинча бошлиқлик вазифасига юқори ташкилот — 1-агросаноат қурилиши трести бошқарувчиси ўринбосари Ғиёс Насриддинов жўнатилди.

— У ердаги аҳволдан хабардорман, — дейди Ғиёс ака хат билан танишиб чиқар экан. Лекин ҳозир маблағимиз йўқ. Бу ётоқхона, яна Самарқанд кўчасида ҳам капитал ремонт қилиниши керак бўлган бир неча турар-жой бинолари бор. Улар учун маблағ ажратишни сўраб терстга хат ёзганмиз. Энди эскирган, алмаштирилиши керак бўлган материаллар рўйхатини тузиб жўнатишимиз керак. Сўнгра фойдаланиш муддати тугаган қисмларни алмаштириш учун 40—50 минг сўм беришлари мумкин. Шунда ҳам капитал ремонт III кварталгача, бўлади, деб ваъда бера олмайман.

Ғиёс ака хатда тилга олинган ҳар бир камчиликка бирма-бир муносабат билдирди. Уларнинг бажарилиш муддатларини белгилади. Бир томони бошлиқнинг коллективнинг имконият даражасидан келиб чиқиб фикр билдираётганидан хурсанд бўлдим. Ётоқдаги аҳволнинг албатта тузатилишига ишона бошладим. Лекин у ерга бориб, шикоят автори билан суҳбатлашиш, ётоқни кўриш учун қўшиб берилган вакил билан йўлга чиқар эканман, маъмурият аъзолари билдирган бир фикр ишончимни парчалаб юборди.

— Ҳа шикоят ёзишдан олдин бизга бир учрашса бўларди, — деди Ғ. Насриддинов. — Чора кўрмасак бошқа гап эди. Мана шу бу йил қишда ётоқнинг томидан чакка ўтган экан. Албатта, томни тўлиқ очиб, ремонт қилиб бераолмадик. Лекин имкониятдан келиб чиқиб, чакка ўтаётган жойларига шифер қоқиб берилди.

Ғиёс ака ўз фикрларини қанчалик самимият билан айтмасин, таъналарини ўринсиз, деб билдим. Бундай шикоятлар билан кўп шуғулланишга тўғри келган. Уларни ўрганиш вақтида шунга ишонч ҳосил қилганманки, шикоятчиларнинг кам деганда 90 фоизи доимо ўз арзларида ҳақ бўлиб чиқадилар.

Халқободнинг қачонлардир асфальтланган, эҳтимол қурилганидан бери супурги кўрмаган, майда тош ва чанг босган Дўстлик кўчасини шундай фикрлар билан босиб ўтдим. Кўча охирлаб қолганда чап томондаги икки қаватли ғиштин бинога бурилдик. Унинг ён томонидан биринчи қаватга эшик, дераза очилганди. Ромнинг кўзида ойна йўқ. Очиқ турган эшикдан ичкари кирдик. Хоналардан биридан пол ювиб чиқаётган кекса рус аёли биз билан гаплашишни ҳам хоҳламади.

— Бизда ҳамма нарса жойида, — деди у бир-бирига қарама-қарши эшикларни очиб. — Бу ётоқхонамиз. Бу эса ошхона. Жанжалнинг ҳаммаси иккинчи қаватда. Ўша томонга ўтинг. Улар ўзлари шунақа. Яшайдиган жойларига қараб ўтиришмайди. Яна шикоят ҳам қилишади.

Мен ҳаётида эҳтимол меҳнатдан бошқа ҳеч нарса кўрмаган бу аёлнинг турмуш шароитига қандай баҳо беришни ҳам билмадим. Лекин ҳеч қандай қулайлиги бўлмаган, аниқроғи ошхона учун мослаштирилган хона ичкарисидаги аҳвол, йўлакдаги неча йиллардан бери бўёқ кўрмаган пол-у, эшикларга сиртдан осилган ранго-ранг пардаларнинг ўзиёқ унинг ўртача даражада ҳам эмаслигини англаш учун етарли эди.

Ташқарига чиқиб, бинонинг олд томонига ўтдик. Ётоққа қарама- қарши солинган 20 хонадонли турар-жой биноси билан икки ўртада 30 метрча кенгликда ер бор. У бўлак-бўлакларга бўлиб сим тўрлар билан ўраб олинган. Аммо ерга бир неча туп дарахтдан ташқари ҳеч қандай экин экилмаган. Ўртада эса икки киши аранг ёнма-ён юраоладиган йўл. Ётоқхонанинг иккинчи қаватига кўтариладиган зина олдида кичкинагина сайхонлик бор. Болалар мактаб ва боғчадан бўш вақтларида ўйнаши мумкин бўлган ягона жой шу.

Ётоқхонага кириш учун зинага қадам қўяр эканман, бу яқин орада эшик кўрмаган кесакига кўзим тушди. Ҳаммаёқ елвизак экан-да, дедим ўзимча. Лекин иккинчи қаватга кўтарилиб улгурмаёқ димоғимга туриб қолган бўғиқ ҳаво урилди. Нимқоронғу узун йўлакнинг охирига қараб юрдим. 5 метрча ичкарида ўнг томонда кенг фойе бор эди. У ерда ҳам кўзларида ойна ҳам бўлмаган ромлари очилмайдиган икки дераза бор. Лекин шу ерда ҳам нафас олиш мумкин бўлган тоза ҳаво йўқ эди.

Касаллик варақаси билан уйда ўтирган шикоятчимизни шу ердан топишимизни айтишганди. Кўп кутишга тўғри келмади. Иш билан қаергадир чиқиб кетган Зуҳрохон дам ўтмай етиб келди. Узоқдан биз томон юриб келаркан, унинг қадам ташлаши нигоҳларидан ҳам бекор қилдиммикан, деган савол қийнаётганлиги сезилиб турарди. Бафуржа гаплашиш учун хонасига таклиф қилди. Зинадан кўтариларкан девордаги электр энергияси ҳисоблагичига ишора қилиб деди:

— Қишда мана бу ҳисоблагич портлаб кетди. Яхшики йўлакда одам йўқ экан, ҳеч ким зиён кўрмади. Хоналаримиз совуқ. Ҳамма плита билан иситади. 2-қаватга баллонли газ олиб чиқиш мумкин эмасмиш. Овқатни ҳам плитада қиламиз. Яқинда кичик ўғлим плитага йиқилиб тушиб куйиб қолди. Ўн беш кун касалхонада ётиб чиқдик. Чироқларимиз тез-тез ўчиб туради. Тузатиш учун ҳамма ўзича ундайди. Мана, оқибат электр симлари очиқ, ҳатто осилиб ётибди.

Шифтга осилган неон чироқлари ўрни ҳам бўм-бўш эди. Узундан-узоқ девордаги бўёқлари хира тортиб кў,чиб ётган коридорнинг икки эшиги теппасидагина чироқ кўринади.

— Мана шу икки чироқ ўчса кечалари йўлакда одам-одамни кўрмайди, — деди у. — Бу ерда спиртли ичимликка ружу қўйганлар ҳам бор. Ҳатто, аёллар ўртасида ҳам аҳлоқ доирасида яшай олмайдиганлар топилади. Уларнинг олдига ҳар хил одамлар келади. Ётоқда эшик бўлса ҳам биров ўйлашиброқ кирармиди? Деярли ҳар ҳафта жанжал. Баъзан ярим кечалари милицияга югуришга тўғри келади. Битта телефон ўрнатиб берилса, шу қадар хор бўлмасмидик...

Зуҳрохон баъзиларнинг бу ердаги ҳаёт тарзини кўриб ўсаётган болалар келажагидан ташвишланиб гапирди. Асли янгийўллик бўлган бу тийрак фикрли аёлнинг гапларига қулоқ солиб ўтириб, ётоқхонага қандай қилиб келиб қолганлигига ажабландим. Ўзимни шундай савол беришдан тўхтата олмадим. Унинг кийиниши, фикрлаши, ўзини тутиши ҳам яхши оилада тарбия кўрганлигини айтиб турарди.

— Ота-онамдан ёш қолганман, — деди у. — Тоғамнинг оиласида ўсдим. Вояга етказиб турмушга беришди. Лекин оилам бузилди. Кейин таниш-билишларим орқали шу ердан жой топиб келдим.

Унинг бир дам бесаранжом жовдираган кўзларида ёш қалқиётгандек бўлди. Йўқ, ҳаёт қийинчиликлари олдида умидсизликка тушиш, ўзини йўқотиш Зуҳрога бегона эди. У тез ўзини ўнглаб олди.

— Шу ерга келганимда хонада битта кровать, битта стул бор эди, ҳолос. Иккала ўғлимни кроватга ётқизиб, неча тунларни бедор стулда ўтириб чиқиб ўтказганман. Мана энди ҳамма нарсам бор. Яқинда тоғам келиб кетдилар. Ўғлингни музика мактаб-интернатига берамиз, дедилар. Шундай қилмоқчимиз. Бу ерда ахлоқи бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Ҳақиқатда ҳам бу ерда мактаб ёшидаёқ безорилик қилиб, қора рўйхатга тушган болалар истаганча топилади. Улар неча кунлаб мактабга ҳам боришмайди. Ота-оналари эса иш, рўзғор ташвишларидан ортмайдилар.

Оғир ўйларга ботиб кўчага чиқдим. Ётоқхонанинг учинчи қисми эшиги орқа томондан очилганди. Унинг тўғрисида чиқиндихона.

— Бу чиқиндихона ойлаб тозаланмайди, — деди у.— Шу йил бошида Ғиёс ака келганда ҳам айтганмиз. Фойдаси бўлмади. Дастидан ҳамма эшик-деразаларини тақа-тақ беркитиб ўтиради. Ён-атрофда болалар ўйнайдиган майдонча йўқ. Ҳаммаси шу ифлос ерда ўйнайди.

Атрофга қўланса ҳид таратиб ётган чиқиндихона олдида бортларининг икки томони синиб ётган прицеп лойга ботиб қийшайиб турарди. Унинг аянчли аҳволига қараб Ғиёс аканинг чиқиндиларни ортиб, элтиб ташлашни буюрган прицепи шу бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўтди. Неча ойдан бери шу ерда ётган экан? Ҳа, эгасизликнинг, хўжасизликнинг оқибати ҳамиша шундай бўлади.

— Мана эътибор беринг, — деди Зуҳрохон хатда тилга олинган яна бир камчиликка изоҳ бериб. — Ҳамма ўзича сим тўр билан ўраб олган ерига сув ўтказиб олган. Биз — ётоқхонанинг иккинчи қаватида яшовчилар фақат битта крандан фойдаланар эдик. Бир неча ой бўлди, беркитиб кетишди. У планда йўқ эмиш. Бошқалар ўраб олган территорияга кирсанг жанжал, тўполон.

Аслини олганда бу ерда қурилган икки қаватли турар-жой бинолари хонадонларининг бари иссиқ ва совуқ сув билан марказлашган усулда таъминланиши керак эди. Лекин қишлоқда ҳаёт шу қадар ўз ҳолига ташлаб қўйилганки, ҳатто ота-оналар ҳам болалар ўйнайдиган майдонча қилиб қўйилиши керак бўлган ерларни ўзаро бўлашиб, ўраб олишган. Бу билан ўз фарзандларига нисбатан адолатсизлик қилаётганликларини сезмайдилар ҳам. Буларнинг барчасига ким айбдор? Мутлақ тасодиф билан шу ерга келиб қолган Зуҳрохонми? Ёки унинг қайнонаси икки фарзанди билан уйидан ҳайдаб чиқарган грек дугонасими? Ёхуд тўққизинчи кўчма колоннада саккиз йил ишлаб бошига бир бошпана ҳам ололмагач, куни-кеча ишдан бўшашга мажбур бўлган беш фарзанднинг отаси Раимбекми?

Кундалик ҳаётларидаги энг оддий муаммолари ҳам ҳал бўлмаётган бу одамларни бирон бир жиҳатдан айблашга ҳаққимиз борми? Ноҳиянинг, Халқободнинг сувдан, ердан фойдаланишнинг умумий мезони учун масъул бўлган катталари қаерда?

Дарвоқе, мен Ғиёс Насриддиновнинг кабинетида Халқобод қўрғон Шўроси вакилларини ҳам учратган эдим. Улар ётоқхонага телефон ўрнатиб беришни ваъда қилишганди. Ғиёс ака эса чиқиндихонанинг тез-тез тозалаб турилишини таъминлаш, беш-олти кун ичида сув муаммосини ҳал қилишга сўз берди. Улар ваъдаларининг устидан чиқишармикан?

**М. ҚОСИМОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

# ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТР БУХОРОДА

ҲАМЗА номидаги ўзбек давлат академик драма театри санъаткорлари Бухорога ижодий сафарга йўл олишди. Тошкентлик санъат усталари бир ой давомида Бухоро Халқ республикасининг 70 йиллигини нишонлаш маросимида қатнашадилар.

Театр жамоаси бу сафарга пухта тараддуд кўрди. Шу муносабат билан К. Яшиннинг «Инқилоб тонги» спектаклидаги Ф. Хўжаевнинг Ленин билан учрашуви саҳнасини намойиш этишга қарор қилинди. Бундан ташқари, сафар давомида энг сара саҳна асарлари. кўрсатилади. Бухоро шаҳри ва вилоят меҳнаткашлари И. Султоннинг «Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлари», С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» ва «Куёв», Ф. Мусажоновнинг «Нажот истаб», М. Хайруллаевнинг «Жар» спектаклларидан баҳраманд бўлишади. Шунингдек, бухоролик томошабинлар эътиборига Ҳ. Муҳаммаднинг «Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома» комедиясининг дастлабки томошаси тақдим этилади. Санъаткорлар кичкинтойларни ҳам эсдан чиқаришмади. Уларга атаб «Ёрилтош» эртак-спектаклини ҳам олиб кетишди.

Ижодий сафар кунларида саҳна усталари спектакллар кўрсатишдан ташқари ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа хўжаликлари, совхозлар, таълим-тарбия ўчоқларида учрашувлар ўтказадилар.

**Г. ҲУСАНОВА.**

МУНОСАБАТ

# ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Кўкча — пойтахтимиздаги энг қадимий ва гавжум даҳалардан. Яқинда редакциямиз кўкчалик бир гуруҳ ота-оналар номидан ёзган А. Маҳаммаджоновдан хат олди. Хат муаллифи жумладан қуйидагиларни ёзади:

«Биз Мақсуд Шайхзода номли кинотеатрга яқин жойда яшаймиз. Ўғил-қизларимиз эса ана шу кинотеатр ёнгинасидаги 40-мактабда ўқишади. Томошахонада кўпинча мактаб ўқувчиларини учратиш мумкин. Бу биринчидан уларнинг дарсни қолдириб, билим савияларига таъсир этса, иккинчидан тарбиялари ҳам бузилмоқда. Чунки, бу ерда кўпинча ахлоқ-одобга тўғри келмайдиган беҳаё фильмлар намойиш этилади».

Дарҳақиқат, А. Муҳаммаджонов жуда тўғри масалани кўтарган. Ҳозирги кунда биз учун ёшлар таълим-тарбиясидан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Чунки, ўтган йиллар давомида ўғил-қизларимиз қай тариқа ўсиб улғайяптилар, бўш вақтларида нима иш билан шуғулланаяптилар, дунёқарашлари қандай, қизиқмай қўйгандик. Оқибати барчага маълум. Айрим ёшларимиз каттани-катта, кичикни-кичик демайдилар. Ота-боболаримиздан қолган энг яхши урф-одатлар, ахлоқ, одоб, меҳр-оқибат, андиша, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби фазилатлар унутилиб боряпти. Бунда албатта, кинотеатрларимизда намойиш этилаётган турли беибо, ахлоқсиз фильмлар ҳам муносиб «улуш» қўшяптилар.

Биз хатни олгач ана шундай ўй-ҳаёлларга тушдик. Лекин уни ўрганиш жараёнида М. Шайхзода номли кинотеатрда, 40-мактабда бўлганимизда турғунлик йиллари йўл қўйилган хато-камчиликлар яққол кўзга ташланди. Жумладан, бундан ўн йил муқаддам ана шундай салобатли дам олиш маскани учун ҳам ўйламай-нетмай жой танланган-у, қурилаверган. Унинг бир ёни таълим-тарбия ўчоғи бўлса, яна бир ёнида қабристон жойлашган. Ахир бу изоҳлаб бўлмайдиган нотўғри бир ишку!? Худди шу фикрни кинотеатр директори Ботирхон Олимхонов ҳам таъкидлади.

Унинг бу ерга директор бўлиб ишга келганига эндигина бир йил бўляпти. Лекин у ишни ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Яъни репертуар танлашда фақат планни эмас, балки шу атрофда яшовчи аҳолининг қизиқиш ва и такларини ҳисобга оляпти. Бир йиллик репертуар билан танишгач, биз ҳам бунга ишонч ҳосил қилдик. Ундан асосан ўзбек ва қардош халқларнинг тарихий мавзудаги, шунингдек, ҳинд фильмлари ўрин олган.

— Биз мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда ишлаймиз,— дейди Б. Олимхонов.— Ҳар бир сеанс бошланишидан олдин ўқитувчилардан бири айланиб юриб, ўз ўқувчилари борми-йўқми назорат қилиб турадилар.

Худди шундай фикрни 40-мактаб директори Ҳамид Саломов ҳам тасдиқлади.

— Хат муаллифининг «мактаб коллективи бепарво бўлмоқда» деган фикрига қўшилмайман,— дея эътироз билдирди Ҳ. Саломов.— Биз деярли ҳар линейкада, ҳар сафарги педагогик йиғилишларда бу масалани кўтарамиз. Ўқувчиларимизнинг давоматини қатъий текшириб борамиз, сабабсиз дарсга келмаганлар билан алоҳида суҳбатлашамиз.

Дарҳақиқат, бола тарбияси жуда нозик масала. Буни фақат мактабга, ўқитувчиларга ташлаб қўйган ота-она ютқазади. Шундай экан, ота-оналар ҳам фарзандларининг ўқишдан бўш вақтларида қаерда юрибди, нима ишлар билан шуғулланяпти, дўстлари кимлигини билишлари, қизиқишлари керак.

Шу ўринда Ҳамид ака жуда яхши бир таклиф айтди. Мактабдан сал нарироқда участка инспектори хонаси бор. Шу ерга ноҳиядаги балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспектори хонасини кўчириш керак. Ана шунда кинотеатр олдида, унинг ёнгинасидаги «тир» олдида кўплаб тўпланадиган ўсмирлар ким, улар қаердан, ўқиш ёки иш жойлари тайинлими, билиш мумкин бўларди.

Шунингдек, кўпчилик ота-оналар мактабнинг серқатнов йўлга яқин жойлашганлиги, улар ўз фарзандларидан ҳавотирда эканликларини айтишди. Ҳақиқатан ҳам бизда бир ёмон одат бор. Бирон нохуш воқеа бўлмагунча, жим юрамиз. Ахир ҳар куни юзлаб ўғил-қизлар ана шу машиналар тинмай ўтиб турувчи катта кўчани кесиб, мактабга борадилар. Фикримизча, ана шу жойга ДАИ ходими ниҳоятда зарур. Ана шунда кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинган бўларди.

**З. ЖЎРАЕВА.**

# АЙЛАНАЛИ БОШҚОТИРМА



Ушбу айланали бошқотирма тўрт ҳарфли сўзлардан тузилган. Жавобларни белгиланган катакдан соат мили йўналишида рақамлар атрофига ёзиб чиқинг.

1. Тепалик, қир ерлар. 2. Қуёш туркумидаги сайёралардан бири. 3. Ҳашаротнинг ўсимлик гули нектаридан ҳосил қиладиган ширинлик. 4. Гражданлар уруши қаҳрамонларидан бири. 5. Саида Зуннунова қиссаси. 6. Кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жой, қишлоқ. 7. Оптик шиша. 8. Ёввойи ўт. 9. Жаҳоннинг радиотўлқинлар тарқаладиган фазаси. 10. Иттифоқдош республика пойтахти. 11. Ватанимиздаги тоғ. 12. Халқ қўшиқлари тури. 13. Ўзбекистондаги эстрада ансамбли. 14. Кечпишар ҳўл мева. 15. Дурадгорлик асбоби. 16. Классик шеърий вазн. 17. Рўзғор буюми, идиш. 18. Экинзор кенг ер. 19. Давра қўшиғи. 20. Автомобиль ёритгичи. 21. Эманлар онласига мансуб сершоҳ, серсоя кўркам дарахт.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

*

ҚУЙИ ФИЗКУЛЬТУРА ЖАМОАЛАРИДА

# «ЎЗГАРИШ»ДАГИ

# ЎЗГАРИШЛАР

Ҳозир «спонсор» сўзи тилимизда тез-тез қўлланилаяпти. У «ҳомий», «паноҳига олувчи», «рағбатлантирувчи» оталиқ ташкилоти маъносида ишлатиладиган бўлиб қолди. Калинин ноҳиясининг «Шарқ» агросаноат комбинатини шу маънода Орджоникидзе номли колхозда спортни ривожлантиришга ўз улушини қўшаётган «спонсор» деса бўлади.

Колхозга 1985 йили Эргаш ака Пўлатов раис этиб сайлангандан сўнг спорт ишлари юришиб кетди. Шу йилнинг ўзида «Ўзгариш» футбол командаси ташкил этилди ва биринчи урinishда у бир йўла қўш ғалабани қўлга киритди: ҳам ноҳия биринчилигида ғолиб чиқди, ҳам ноҳия кубоги эгаси бўлди. Йил охирига бориб эса қишлоқ спортчилари ўртасида ўтказилган вилоят биринчилигида тўртинчи ўрин эгалланди.

Бироқ бу ютуқлар асосан четда қўлга киритилди. Сабаби шу пайтгача колхоз ўз спорт майдончасига эга эмас эди. Ниҳоят колхоз правлениесининг навбатдаги йиғилишида Э. Пўлатов ана шу масалани ўртага ташлади. Правление қарори билан колхозда спорт базаси қуриш штаби ташкил этилди.

1986 йилдан бошлаб ҳашар йўли билан стадион қурилиши бошланди. Ер ажратилди, техника ва қурувчилар бу ишга жалб қилинди.

Колхозчи-футболчилар ҳам астойдил меҳнат қилдилар. 1986 йили ўзгаришликлар «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти йўналиши бўйича қишлоқ спортчилари орасида ўтказилган вилоят биринчилигидаги бош совринни қўлга киритдилар. Бу ғалаба келгуси йил Тошкент вилояти спорт комитети томонидан ўтказиладиган вилоят биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини ҳам берди. 1987 йил шу биринчиликнинг «Б» группасидан баҳс бошлаган ўзгаришликлар мавсумни яна ғалаба билан якунладилар. 1988 йилдан бери «Ўзгариш» вилоят биринчилигининг кучлилар — «А» группасида иштирок этиб келмоқда.

Ўзгаришликларнинг бу ютуқлари «спонсор»лар диққатини ўзига жалб этди. Ўтган йилдан бошлаб «Шарқ» агросаноат комбинати командани оталиққа олди. Комбинат стадион қурилишини ниҳоясига етказиш, шунингдек ечиниш, чўмилиш хоналари, водопровод, электрлаштириш масалаларини ҳал қилди. Командани спорт формалари ва транспорт билан таъминлади.

Энг муҳими, энди колхоз биринчиликда 4 та команда билан иштирок этиш имкониятига эга бўлди: болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катталар командаси. Эндиликда улар «Шарқ» номи билан майдонга тушаяптилар.

Ҳозир колхоз худудида 5-болалар ўсмирлар спорт мактаби очилган. Бу ерда колхозчиларнинг 120 га яқин фарзандлари халқ севган спорт тури билан шуғулланадилар. Мактабни келажакда янада кенгайтириш учун ноҳия маориф бўлими ҳамда вилоят спорт комитетлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Биз Ўзгаришдан қайтар эканмиз, колхозчилардан спорт жонкуярлари ҳақида сўрадик. Шуниси диққатга сазоворки, улар турли касбдаги кишилар бўлиб чиқди: раис Э. Пўлатов, комбинат раҳбарлари А. Ғаффоров, спорт мактаби директори Ж. Рашидов, команда устозлари Н. Аҳмедов, Т. Ўрозов, Р. Аксановлар. Жойлардаги раҳбарлар ўз меҳнаткашлари ҳақида улар каби қайғурсалар — юқорида ҳикоя қилган ютуқлар вилоятимизнинг барча хўжаликларида ҳам амалга ошишига ишончимиз комил.

**Аброр ИМОМХЎЖАЕВ,**
**жамоатчи мухбиримиз.**

● ҲАЖВЧИ РАССОМ ИЖОДИДАН









— «Андишанг борми?» дейсизми, нима у ейдиган нарсами?



— Мавлоно, не сабаб, минора қурилиши охирига етмабдур?

— Бинокорлар хўжалик ҳисобига ўтган қурилишга кетибдурлар, тақсир.

Шавкат ТУРОПОВ чизган.

Муҳаррир ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. — 04247. Индекс: 64684. Д.—1791 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12